

ХАБАРЛАР

БМТ Ҳормуз бўғозида қатновни чеклаш ёки транзит тўлови жорий этиш таклифни рад этди

дақиқа аввал



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ҳормуз бўғози орқали кемалар ҳаракати эркин бўлиши кераклигини яна бир бор таъкидлаб, навигацияни чеклаш ёки транзит тўловлари жорий этишга қарши эканини билдирди.

Куни кеча АҚШ президенти Дональд Трампнинг Ҳормуз бўғози орқали ўтаётган кемалардан АҚШ тўлов ундириши мумкинлиги ҳақидаги баёнот берган эди.

Бу борадаги саволга жавобан БМТ Бош котиби ўринбосари матбуот котиби Фарҳон Ҳақ ташкилот раҳбарининг позицияси ўзгармаганини айтди:

- Биз Ҳормуз бўғози орқали кема қатнови эркин бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Биз кемалар ҳаракати эркинлигини чеклашга қаратилган ҳар қандай уринишларга қаршимиз.

Ҳақнинг қўшимча қилишича, Халқаро денгиз ташкилоти ҳам транзит тўловлари жорий этилишига қарши баёнот берган.

Ҳақ шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Фолкер Турк АҚШ ва Эрон ўртасида кенг кўламли жанглар қайта бошланиши жиддий орқага чекиниш бўлишидан огоҳлантирганини айтди.

Туркнинг таъкидлашича, можаронинг кучайиши нафақат тинчликка қаратилган саъй-ҳаракатларга путур етказди, балки минтақани янада беқарорлаштириб, бутун ҳудуд бўйлаб инсон ҳуқуқлари учун жиддий хавф туғдиради.

У барча томонларни халқаро гуманитар ҳуқуққа риоя қилиш ва тинч аҳоли ҳамда фуқаролик инфратузилмасини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барча чораларни кўришга чақирди.